

# SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

## Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

Son 1/S. Jild 4.

# 2024

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ S/1 (4) - 2024*

### **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

#### **ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2024**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Ҳожаев Азизхон Саидалоҳонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолiddиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудир;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

#### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

#### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Қаюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохидат Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

#### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Караматдиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

#### 22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

#### 23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атақулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

### ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

#### Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

#### Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

**МУНДАРИЖА****07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ**

<i>Fayziyev O'rinboy Toshmuhammad o'g'li</i> O'ZBEKISTONDA ALOHIDA TA'LIM EHTIYOJIGA EGA BO'LGAN INSONLARNI IJTIMOIIY HIMOYALASH SOHASIDAGI ISLOHOTLAR .....	9-16
<i>Эсонов Зиёдбек Юлдашевич</i> ФАРФОНА ВОДИЙСИ МИНГ ЎЗБЕК УРУФИ МАНБАЛАРИ ТАРИХИДАН .....	17-22
<i>Rajarov Mardonbek Qosimboy o'g'li</i> AFRIG'IYALAR SULOLASI TARIXINING TURK TILLI TADQIQOTLARDA YORITILISHI .....	23-26
<i>Исмоилова Нигорахон Усмонжановна</i> НАЛИВКИН И ЕГО СВЕДЕНИЯ О ТУЗЕМНОЙ ЖЕНЩИНЕ .....	27-34
<i>Мирхакимова Феруза Холдоржон кизи</i> ВЗГЛЯД В ИСТОРИЮ МЕМОРИАЛЬНОГО МУЗЕЯ САДРИДДИН АЙНИ .....	35-40

**08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ**

<i>Zhao Rong</i> RESEARCH ON THE CONSTRUCTION OF CORE CURRICULUM STANDARDS FOR CROSS- BORDER E-COMMERCE MAJORS BASED ON HIGHER VOCATIONAL EDUCATION IN INNER MONGOLIA .....	41-48
<i>Husanboyev Sadafbek Yorqinjon o'g'li</i> FARG'ONA VILOYATIDA AGROTURIZM FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDA RESURS SALONIYATINI VAHOLASH .....	49-58
<i>Malikova Gulhayo Turdali qizi</i> TIJORAT BANKLARDA INVESTITSION FAOLIYAT TAHLILI .....	59-64
<i>Maxmudov Anvarjon</i> SOLIQ HUQUQBUZARLIKLARINI TARKIBI, SHAKLLANISH MANBALARI VA ULARNI IQTISODIY MOHIYATI .....	65-75
<i>Мухитдинов Ахрор</i> РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА ЯГОНА МАРКАЗЛАШГАН ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ .....	76-82
<i>Jurayev Xusan Atamuratovich</i> KORXONANI MOLIYAVIY SOG'LOMLASHTIRISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI .....	83-89
<i>Butunov Shaymardan Berdiyrovich</i> NOANIQLIK ORQALI HARAKAT QILISH: IQTISODIY BEQARORLIK SHAROITIDA MOLIYAVIY TAHLIL .....	90-96
<i>Islomova Mohlaroyim Inomjon qizi, Ortiqova So'g'diyona Abdusodiq qizi, Abdurahimova Zulhumor Azimjon qizi</i> TURIZM XIZMATLAR SOHASIDA RAQAMLI TEXNANOLOGIYALARNI QO'LLASH .....	97-103
<i>Содиқов Анвар</i> ЎЗБЕКИСТОН ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ КЎП ОМИЛЛИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАР АСОСИДА БАҲОЛАШ ВА МУҚОБИЛ СЦЕНАРИЙЛАРИНИ АНИҚЛАШ...	104-116

Norov Asror Egamberdiyevich, Fazliddinov Shohruh Shamsiddinovich  
O‘ZBEKISTONDA DOKTORANTURA FAOLIYATI YO‘LGA QO‘YILGAN OLIY TA‘LIM VA ILMIY  
TADQIQOT MUASSASALARI ..... 117-122

### **09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Эшонкулова Нуржахон Абдужабборовна*  
ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТЛАРИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ:  
ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ ..... 123-130

*Khalilova Shakhlo Abdurashitovna*  
IBN SINA AND HIS CONTRIBUTION TO SPIRITUAL AND MORAL EDUCATION: RETHINKING  
THE HERITAGE OF EASTERN THINKERS ..... 131-136

### **10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Saidov Hakim G‘ofurovich*  
VATANPARVARLIK VA MILLIY G‘URURNING FALSAFIY KATEGORIAL NEGIZLARI ..... 137-141

*Jabborov Jamshid Azimovich*  
MA‘NAVIY EHTIYOJLAR JAMIYAT MA‘NAVIY HAYOTINING TARKIBIY QISMI  
SIFATIDA ..... 142-148

*Coatov Fayram*  
БАЙРАМЛАР – МИЛЛАТНИНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТИ ..... 149-156

*Raxmatova Xolidaxon Xolikovna*  
NAQSHBANDIYLAR EHTIROMIGA SAZOVOR BUYUK ZOT ..... 157-161

*Wang XiaoYu*  
AN ANALYSIS OF THE MYTHICAL PATTERNS IN ULYSSES FROM THE PERSPECTIVE OF  
ARCHETYPE THEORY ..... 162-170

*Mamadkulova Kamila Abdukhalikovna*  
FEATURES OF 19th CENTURY LITERATURE: ROMANTICISM AND REALISM ..... 171-175

*Aripova Saodat Taxirovna*  
INGLIZ VA O‘ZBEK TILLARIDA KONCHILIK LEKSIK BIRLIKLARINING LEKSIK-SEMANTIK  
XUSUSIYATLARI ..... 176-181

*Xudoyqulov Behzod Abbosovich*  
ITALYAN TILIDAGI FRAZEOLGIK IBORALAR TARJIMASI VA ULARNING O‘ZBEK TILIDAGI  
EKVIVALENTLARI ..... 182-187

*Mavlonova Gulnora Abdig‘ani qizi*  
ADABIYOTDA QO‘LLANILGAN EVFEMIZMLAR (ROMAN VA SHE‘RIYAT) MISOLLAR  
BILAN ..... 188-192

*Tuxtayeva Dildora Zokirovna, Izzatilloeva Sevinch Nusratilloevna*  
INGLIZ VA O‘ZBEK TILLARIDA “YAXSHILIK” KONSEPTINI IFODALOVCHI MAQOLLARNING  
MILLIY-MADANIY XUSUSIYATLARI ..... 193-197

*Djurayeva Orzigul Gafurovna*  
QAXXOR BAXSHI RAHIMOV IJODINING O‘RGANILISHI ..... 198-204

*Gafarova Shahnoza Hayrullayevna*  
TIL VA TA‘LIM: MUAMMO VA YECHIMLAR ..... 205-209

**12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР***Исломқулова Шоҳсанам Ваҳобжон қизи*ВРАЧНИНГ КАСБИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ  
ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ОМИЛЛАРИ ВА ЗАРУРИЯТИ ..... 210-215*Sarvinov Sunnatillaeva*PROCEDURAL CHALLENGES IN THE REGULATION OF ABUSE OF DOMINANT POSITION IN  
UZBEKISTAN ..... 216-222**13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ***Soliev Ibodulloxon Ismatullayevich*FACTORS AFFECTING THE EFFICIENCY OF REFORMS IN THE MANAGEMENT SYSTEM OF  
HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS ..... 223-233*Shokirov Po'lat*TALABALARGA ATLETIK GIMNASTIKA MASHG'ULOTLARINI JOZIBADORLIGINI OSHIRISHING  
USLUBIY ASOSLARI ..... 234-238*Begmatova Dilnoza Muxtarovna*JAHON MIQYOSDA TA'LIM JARAYONI SUBYEKTLARIDA MADANIY IMMUNITETNI  
SHAKLLANTIRISH TENDENSIYALARI ..... 239-243*To'rayev Panji To'xtayevich*MILLIY KURASH MASHG'ULOTLARIDA UMUMIY JISMONIY TAYYORGARLIKNI TASHKIL  
ETISH VA SHAKLLANTIRISH ..... 244-248*Axmedova Nafisa Isaxodjayevna, Azamatov Abdullo Isaxo'ja o'g'li, Lutfullina Rumiya Anvarovna*  
OLIV TA'LIM MUASSASALARIDA JISMONIY TARBIYA VA SPORT FAKULTETLARI TALABALARI  
UCHUN ANTIDOPING QOIDABUZARLIKLARINING OLDINI OLISH MEXANIZMINI

YARATISH ..... 249-256

*Egamberdiyev Javlonbek*TA'LIM MUASSASALARIDA MA'NAVIY-MA'RIFIY ISHLARNI TASHKIL QILISH VA UNING  
ILMIY-USLUBIY ASOSLARI ..... 257-260*Kenjaboev Abdisalim Erkaboevich*ZAMONAVIY TA'LIM- TARBIYA JARAYONIDA PEDAGOGIK RAHBARNING  
KOMPETENTLIGI ..... 261-265

## 12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР

Исломқулова Шоҳсанам Ваҳобжон қизи,  
ТДЮУ таянч докторанти  
E-mail: [shoxsanams85@gmail.com](mailto:shoxsanams85@gmail.com)

### ВРАЧНИНГ КАСБИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШНИ ФУҚАРОЛИК- ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ОМИЛЛАРИ ВА ЗАРУРИЯТИ

**Аннотация.** Ушбу мақолада врачнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг бугунги кун учун аҳамияти ва долзарблиги хусусида сўз боради. Ушбу муносабатларнинг тартибга солинмаганлиги қандай иқтисодик, ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқараётгани масаласи статистик маълумотлар ва чет эл тажрибаси асосида таҳлил қилинади. Врачнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилишнинг Ўзбекистон Республикасида тартибга солинганлик даражаси ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили юзасидан фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** врач, тиббиёт ходими, суғурта, касбий жавобгарлик, зарар етказганлик учун жавобгарликни суғурта қилиш, касбий жавобгарликни суғурта қилишни тартибга солиш омиллари, касбий жавобгарликни суғурта қилишни тартибга солиш зарурияти.

**Islomqulova Shokhsanam Vakhobjon qizi**  
Doctor of Philosophy (PhD),  
Tashkent State University of Law

### FACTORS AND NEED FOR CIVIL REGULATION OF PROFESSIONAL LIABILITY INSURANCE OF DOCTORS

**Abstract.** This article talks about the importance and relevance of civil regulation of doctor's professional liability insurance today. The economic, social and legal consequences of the lack of regulation of these relations are analyzed on the basis of statistical data and foreign experience. The level of regulation of medical professional liability insurance in the Republic of Uzbekistan and the analysis of regulatory legal documents are discussed.

**Key words:** doctor, medical worker, insurance, professional liability, tort insurance, factors for regulating professional liability insurance, the need to regulate professional liability insurance.

**Исломқулова Шоҳсанам Ваҳобжон қизи**  
Докторант Ташкентского государственного  
юридического университета

### ФАКТОРЫ И НЕОБХОДИМОСТЬ ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ СТРАХОВАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ВРАЧЕЙ

**Аннотация.** В данной статье говорится о важности и актуальности гражданско-правового регулирования страхования профессиональной ответственности врача на сегодняшний день. Экономические, социальные и правовые последствия отсутствия регулирования этих отношений

анализируются на основе статистических данных и зарубежного опыта. Обсуждается уровень регулирования страхования профессиональной ответственности врача в Республике Узбекистан и анализ нормативных правовых документов.

**Ключевые слова:** врач, медицинский работник, страхование, профессиональная ответственность, страхование деликтов, факторы регулирования страхования профессиональной ответственности, необходимость регулирования страхования профессиональной ответственности.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI1Y2024N30>

Фуқароларнинг саломатлиги ҳақли равишда ҳар қандай ривожланган давлат сиёсий тизимининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади ва ижтимоий-иқтисодий фаолиятнинг барча жабҳаларига таъсир қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48-моддасига биноан Ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Бугунги кунда бир қатор муассасаларда соғлиқни сақлаш тизимининг ҳолати етарли даражада самарали эмас деб таърифлаш мумкин. Тиббий ёрдамдан фойдаланиш имконияти ва сифати билан боғлиқ муаммолар янада кучаймоқда. Ушбу соҳанинг номаъқул ҳолати жиддий ижтимоий, тиббий, демографик ва иқтисодий муаммога айланиб бормоқда.

Сўнги 23 йил ичида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳаси узоқ йўлни босиб ўтди. Бироқ, тан олиш керакки, аҳоли саломатлигини яхшилаш ва саноат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича белгиланган вазифалар тўлиқ бажарилмаган.

Давлат соғлиқни сақлаш соҳасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг манфаатларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг кафили ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросига бепул тиббий ёрдам кўрсатишнинг кенг давлат кафолатларини таъминлаш учун давлат қўйидаги вазифаларни амалга ошириши лозим:

соғлиқни сақлаш соҳасида ягона меъёрий-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш, соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг ҳудудий режалаштириш мувофиқлаштириш;

тиббий ёрдамнинг кўрсатилиш тури ва шакли бўйича зарур ҳажмлар буюртмаси, миллий соғлиқни сақлаш тизими учун энг муҳим тиббиёт ташкилотлари ва бошқа тиббиёт фаолиятини юритишга рухсат этилган ташкилотларни (таъсисчи) эгаси бўлиш;

тиббий ёрдамдан фойдаланиш имконияти ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини назорат қилиш.

Шу билан бирга, бозор иқтисодиётига ўтиш ва миллий соғлиқни сақлаш соҳасининг хусусий сегментини кенгайтириш соғлиқни сақлаш тизимининг суғуртавий молиявий таъминоти механизмлари ва давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантириш зарурлигини тақозо этди. Келгусида мажбурий тиббий суғурта тизимини жорий қилиш соғлиқни сақлаш соҳасига катта миқдордаги қўшимча ресурсларни жалб қилади, бозор иқтисодиёти тамойиллари ва соҳани бошқаришнинг иқтисодий воситаларини ишга туширади. Соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш учун қўшимча туртки бўлади.

Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ходимларини лицензиялашни жорий этиш режалаштирилмоқда. Бунга кўра, давлат таълим стандартларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида тиббий ёки бошқа таълим олган ва мутахассисни лицензиялаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар тиббий фаолият билан шуғулланишлари мумкин.

Бу ўз навбатида қуйидаги **имкониятларни** беради:

соғлиқни сақлаш тизимида тиббий хизматларнинг кафолати ва сифати таъминланадиган кадрлар таркибини шакллантириш;

тиббиёт ходимларининг касбий малакаси даражаси тўғрисида ишончли маълумотларга эга бўлиш.

Шундай экан врачнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши бугунги кунда давлат ва жамият ҳаёти учун муҳим аҳамият касб этади.

Врачнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилишнинг тартибга солинмаганлиги қуйидаги **оқибатларга** сабаб бўлиши мумкин:

бир тарафда беморларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қонуний ҳимоя воситаларини излаш ва бошқа тарафда тиббиёт ходимларининг жавобгарлигини ҳуқуқий ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳаракатлар турганда, врач тиббий ва ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг заифроқ тоифасига айланиб қоладилар;

соғлиқни сақлашнинг бутун тизими фақат тиббиёт ходимларининг фаолияти орқали таъминланади ҳамда аксарият ҳолларда уларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги масаласига эътибор қаратилади, уларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш эътибордан четда қолади;

врачнинг ва беморларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тиббиёт масалаларида суд ишлари сонининг кўпайишига олиб келади [1].

Юқоридагиларнинг барчаси ўз навбатида тиббиёт ходимларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун тегишли механизмларни яратишни талаб қилади.

Ушбу механизмлардан бири врачнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилишнинг тартибга солиниши бўлиши мумкин.

Юртимизда суғурта фаолияти Фуқаролик кодекси, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги, “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”, “Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”, “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”, “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”, “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонунлари ва бошқа қонуности ҳужжатлар қабул қилинган бўлсада, врачнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилишни тартибга солувчи алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 918-моддасида зарар етказганлик учун жавобгарликни суғурта қилиш бўйича умумий қоидалар белгиланган бўлиб, бу врачнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилишни тартибга солиш асоси ҳисобланади. Лекин касбий жавобгарлик бошқа жавобгарлик турларига қараганда ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Н.Б.Грищенко касбий жавобгарлик тушунчасига қўйидагича таъриф берган:

касбий жавобгарлик – бу профессионал фаолият юритувчи субъектга нисбатан ўз фаолиятида учинчи шахслар, жумладан давлат, ташкилот ва шахс учун мўлжалланган

натижаларга эришилмаган ёки лозим даражада эришилмаган тақдирда чора ва санкциялар қўллашдир [2].

Шунингдек, врачнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш бир қатор олимлар, жумладан инглиз олимлари Khoury, Lara [3], Weinberg, Daniel [4], хитой олимлари Li, Xiang, Jigang Jin [5], немис олимлар Ripa Bonati, Maurizio, Fabio Zampieri [6], испан олимлари Castellano Arroyo, María, Ricardo de Ángel Yágüez [7]лар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги

ПҚ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида Соғлиқни сақлаш вазирлигига “Тиббий фаолият ва тиббий ходимларнинг мажбурий жавобгарлигини суғурталаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси топширилган.

Ушбу лойиҳада қуйидагилар назарда тутилиши белгиланган:

тиббий ходимларнинг касбий фаолиятини амалга оширишда жавобгарлиги ва мажбурияти, шунингдек улар томонидан фуқароларга хизмат кўрсатилганлиги;

тиббий ходимларнинг фуқаролар соғлиғига зарар етказгани учун касбий жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш ҳамда хизмат вазифаларини бажариш вақтида уларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш.

Аmmo орадан 5 йилдан ортиқ муддат ўтишига қарамай ушбу Қонуннинг қабул қилиниши пайсалга солиб келинмоқда.

Врачнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши қуйидаги **мақсадларни** кўзлайди:

Беморнинг ҳаётига ёки соғлиғига зарар етказганлик учун врачнинг ҳаракатларида унинг айби бўлмаган тақдирда, тиббиёт ходимларининг мулкий манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш;

соғлиқни сақлаш субъектларининг мулкий манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш;

фуқароларнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш;

тиббий хизмат сифатини ошириш;

тиббиёт ходимларининг жавобгарлигини суғурталашнинг янги тизимининг пайдо бўлиши ва янада ривожланиши учун шароит яратиш;

Тиббий ходимларнинг беморлар олдидаги жавобгарлигини суғурталашнинг зарурлиги, айниқса, кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг сифати билан боғлиқ шикоятлар сонининг кўпайиши билан боғлиқдир.

Врачнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш тизимининг жорий этилиши Ўзбекистон Республикасида тиббий хизмат сифатини яхшилади ва умуман халқаро рейтингнинг кўтарилишига таъсир қилади.

Шунингдек, врачнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий **оқибатларга** сабаб бўлади:

фуқароларнинг тўлақонли тиббий ёрдамга бўлган конституциявий ҳуқуқларини, шу жумладан беморларнинг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратилади;

тиббиёт ходимларининг жавобгарлигини суғурта қилиш институти амалга оширилишини таъминлайдиган воситалар ва механизмларни шакллантириш учун ҳуқуқий асослар яратилади;

келгусида тиббиёт ходимлари ва беморлар ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган низоларнинг сони камайишига имкон яратилади.

Тиббиёт ходимларининг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш шуни кўрсатдики, ривожланган мамлакатларда тиббиёт ходимларининг касбий жавобгарлигини кафолатлайдиган қўлланма XX асрнинг бошларида амалга киритилган.

Тиббиёт ходимларининг жавобгарлигини кафолатлашнинг халқаро тажрибасидан келиб чиқиб, молиялаштириш манбаи бўйича икки хил моделни аниқ белгилаб олиш керак: бозор модели ва ижтимоий модель, шунингдек амалга ошириш усуллари бўйича бу суғурта йўли ва кафолатли йўл.

Тиббий хизматларнинг аксарияти давлат томонидан молиялаштириладиган мамлакатларда тиббиёт ходимлари, одатда, хусусий жавобгарликни суғурталаш бозорига камроқ ишонадилар. Шунга кўра, бундай давлатларда тиббиёт ходимларининг жавобгарлигини тиббий суғурталашнинг ижтимоий модели мавжуд. Ижтимоий модель давлат томонидан битта марказлашган орган — Жамғарма ёрдамида амалга ошириладиган суғурта тизимини молиялаштириш ва бошқариш нуқтайи назаридан катта масъулиятни ўз зиммасига олади. Ижтимоий суғурта моделининг ёрқин мисолларидан бири 1975 йилда жорий этилган Швеция моделидир. Швецияда беморларни суғурталаш уюшмаси тиббиёт ходимларининг жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича хизматларни тақдим этади. Яна бир мисол сифатида, Канадада қўлланилаётган модель. Канада тиббиёт ходимларини ҳимоя қилиш тиббий бирлашмаси 1901 йилда ташкил этилган ўз аъзоларининг жавобгарлигини кафолатлайдиган нотижорат тиббий бирлашмасидир. Уюшма ўз аъзолигида бўлган Канада шифокорларининг 95 фоизига ўқув, консультация, ҳуқуқий ҳимоя ва компенсация хизматларини тақдим этади [8].

Тиббий хизмат кўрсатилиш ҳажми хусусий ташкилотларда давлат ташкилотларидан кўпроқ бўлган мамлакатларда тиббиёт ходимлари жавобгарлигини суғурта қилишда хусусий бозор катта аҳамиятга эга. Бозор муносабатларига асосланган суғурта модели давлат идораларига қараганда бозор механизмларига кўпроқ масъулият юклайди. Германия Федератив Республикасининг суғурта модели бозор моделига мисол бўлиши мумкин. Германияда тиббий жавобгарликни суғурта қилиш бўйича хизмат кўрсатадиган 10 га яқин хусусий суғурта компаниялари мавжуд. Германия қонунчилиги тиббий хизмат кўрсатувчилар тегишли суғурта полисини сотиб олишини талаб қилади.

Хулоса қиладиган бўлса, врачнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилишни тартибга солиш тиббий хизмат сифатининг янада яхшиланишига, врачларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилинишида ҳуқуқий механизм яратилишига, врачнинг ўзи касбига нисбатан янада ишончини ҳамда масъулиятининг ошишига сабаб бўлади.

**Адабиётлар/Литература/References:**

1. Страхование профессиональной ответственности медицинских работников. А.В.Воропаев, И.В.Воропаева, Ю.С.Исаев. (Иркутский государственный медицинский университет. Ректор-д.м.н., проф. И.В.Малов; кафедра судебной медицины, зав. - д.м.н., проф. Ю.С.Исаев)
2. Н.Б.Грищенко. Категориальная сущность профессиональной ответственности. <https://izvestia.asu.ru/2003/2/econ/TheNewsOfASU-2003-2-econ-02.pdf>
3. Khoury, Lara. "Uncertain causation in medical liability." Thesis, University of Oxford, 2003. <http://ethos.bl.uk/OrderDetails.do?uin=uk.bl.ethos.251465>.
4. Weinberg, Daniel. "The effect of medical malpractice liability on the delivery of health care." [Gainesville, Fla.]: University of Florida, 2009. <http://purl.fcla.edu/fcla/etd/UFE0024762>.
5. Li, Xiang, and Jigang Jin. "Liability for Medical Malpractice." In *Concise Chinese Tort Laws*, 199–209. Berlin, Heidelberg: Springer Berlin Heidelberg, 2014. [http://dx.doi.org/10.1007/978-3-642-41024-6\\_19](http://dx.doi.org/10.1007/978-3-642-41024-6_19).
6. Rippa Bonati, Maurizio, and Fabio Zampieri. "Historical Overview of Medical Liability." In *Malpractice and Medical Liability*, 13–49. Berlin, Heidelberg: Springer Berlin Heidelberg, 2013. [http://dx.doi.org/10.1007/978-3-642-35831-9\\_2](http://dx.doi.org/10.1007/978-3-642-35831-9_2).
7. Castellano Arroyo, María, and Ricardo de Ángel Yáguez. "Medical Responsibility and Liability in Spain." In *Malpractice and Medical Liability*, 161–88. Berlin, Heidelberg: Springer Berlin Heidelberg, 2013. [http://dx.doi.org/10.1007/978-3-642-35831-9\\_9](http://dx.doi.org/10.1007/978-3-642-35831-9_9).
8. <https://cyberleninka.ru/article/n/a-olini-izhtimoiy-imoya-ilish-tizimida-tibbiy-surtani-rivozhlantirish-borasidagi-il-or-horizhiy-tazhribalar>

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ S/1 (4) – 2024*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).